



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

РАИС ҚАРОРИ

Тошкент ш.

№ 457

«31» декабр 2020 йил

**Илмий даражалар берувчи илмий кенгашларнинг
таркиби ва диссертациялар ҳимоясига рухсат берилган
ихтисосликлар рўйхати ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом” ва “Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом” асосида ОАК Раёсатининг 2020 йил 31 декабрдаги 290/2-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи илмий кенгашларнинг 2020 йилдаги фаолияти маълумот учун қабул қилинган ҳолда илмий кенгашларнинг янгиланган таркиби ва диссертациялар ҳимоясига рухсат берилган ихтисосликлар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. ОАК веб-сайтида 2020 йилнинг 31 декабригача диссертациялар ҳимояси ҳақидаги маълумотлар эълон қилинган диссертациялар ҳимоясини самарали ташкил қилиш мақсадида илмий кенгашларнинг янгиланган таркиби ва диссертациялар ҳимоясига рухсат берилган ихтисосликлар рўйхати 2021 йил 15 январидан бошлаб амалиётга жорий этилсин.

3. Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари ҳамда илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар раислари таркибнинг Ўзбекистон Республикаси «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом» талабларига мувофиқлигини назорат қилсинлар.

4. Илмий даражалар берувчи илмий кенгашларга аъзоларининг илмий даражали мутахассислар тайёрлаши, Хирш индекси даражасини ошириб бориш ҳамда халқаро илмий-техник базалардаги журналларда, айниқса “Web of science” ва “Scopus” базаларидаги журналларда мақолалар чоп этиш борасидаги фаолиятларини фаоллаштириш, шунингдек бундан буён илмий кенгашлар таркибидаги ўзгаришларни амалга оширишда, жумладан ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги тавсия этилсин.

Раис

А.Т. Юсупов

Гулистон давлат университети ҳузуридаги DSc.03/05.06.2020.B.91.03 рақамли илмий кенгаш таркиби

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Тутилган йили	Илмий кенгашдаги ихтисослик шифри	Иш жойи, лавозими, илмий даражаси, илмий унвони <i>Изоҳ:</i> тегишли ҳолларда ўриндош ва илмий лойиҳа раҳбарлиги	Илмий даража олган шогирдлар сони (нафар)	Хирш индекси	Нашр ишлари сони			
							Жами	жумладан 2017-2020 йй.	Халқаро илмий-техник базалардаги журналларда (сони)	жумладан «Web of science», «Scopus» базалардаги журналларда (сони)
1.	Қўшиев Ҳабибжон Ҳожибобоевич (раис)	1964	02.00.10	Гулистон давлат университети, кафедра профессори, биология фанлари доктори, профессор	11	4	278	72	44	14
2.	Тилябаев Заиджон (раис ўринбосари)	1948	02.00.10	Гулистон давлат университети, кафедра профессори (ўриндошлик асосида), биология фанлари доктори, профессор	3	3	224	31	44	23
3.	Абдикулов Зафар Умирбоевич (илмий котиб)	1980	02.00.10	Гулистон давлат университети, кафедра мудири, биология фанлари номзоди, доцент	0	0	22	12	6	2
4.	Ахунов Али Ахунович	1942	03.00.10	Гулистон давлат университети, кафедра профессори (ўриндошлик асосида), биология фанлари доктори, профессор	12	5	295	28	56	20
5.	Ибрагимов Фазил Ахмедович	1955	02.00.10	Биоорганик кимё институти, етакчи илмий ходим, биология фанлари доктори, катта илмий ходим	1	3	185	5	5	5
6.	Хошимова Нигора Рустамовна	1965	02.00.10	Гулистон давлат университети, катта илмий ходим (ўриндошлик асосида), биология фанлари доктори, катта илмий ходим	0	3	68	25	11	8
7.	Хашимова Зайнат Саттаровна	1949	02.00.10	Биоорганик кимё институти, катта илмий ходим, биология фанлари доктори	1	2	150	41	41	33
8.	Саитмуратова	1946	02.00.10	Тошкент педиатрия тиббиёт	1	3	220	10	37	28

	Угульжан Худайбергеновна			институти, кафедра профессори, биология фанлари доктори, доцент						
9.	Цеомашко Наталя Евгеновна	1977	02.00.10	Тошкент тиббиёт академияси, лаборатория мудир, биология фанлари доктори, катта илмий ходим	0	1	72	21	9	5

Қуйидаги ихтисослик бўйича диссертациялар ҳимоясини ўтказишга рухсат берилган:

02.00.10 – «Биоорганик кимё» (биология фанлари).

ASLIGATO'G'IR

